

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖА  
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ,  
ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МАНСУРОВ АБДУЛЛО МАЪРУФОВИЧ**

**МАҚБУЛ ТАКРОРИЙ ЭКИН ТУРЛАРИНИ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ  
ВА КУЗГИ БУҒДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ  
(Андижон вилояти оч тусли бўз тупроқлар мисолида)**

06.01.01-Умумий деҳқончилик, Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Мансуров Абдулло Маъруфович**

Мақбул такрорий экин турларини тупроқ унумдорлиги ва кузги  
буғдой ҳосилдорлигига таъсири ..... 3

**Мансуров Абдулло Маъруфович**

Влияние оптимальных видов повторных культур на плодородие почвы и  
урожайность озимой пшеницы.....21

**Mansurov Abdullo Ma'rufovich**

Effect of optimal double crops on soil fertility and yield of winter wheat..... 40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works ..... 45

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖА  
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ,  
ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МАНСУРОВ АБДУЛЛО МАЪРУФОВИЧ**

**МАҚБУЛ ТАКРОРИЙ ЭКИН ТУРЛАРИНИ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ  
ВА КУЗГИ БУҒДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ  
(Андижон вилояти оч тусли бўз тупроқлар мисолида)**

06.01.01-Умумий деҳқончилик, Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2017

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx70 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университети ҳамда Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) веб-саҳифанинг ([www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий  
раҳбар:**

**Телляев Рихсивой Шамахамадович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Расмий  
оппонентлар:**

**Ўразматов Назир**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Карабаев Икром Тўраевич**  
қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ-қовоқ қ.ф.й, ЎзПТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-36; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@qsxv.uz

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ-қовоқ қ.ф.й, ЎзПТИ кўчаси, Тел.: (+99895) 142-22-36.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Ж.Тешаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
қ.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
қ.х.ф.н., катта илмий ходим

**Ж.Х.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д. ката илмий ходим

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё кишлок хўжалиги амалиётида тупроқ муҳофазаси, унумдорлигини сақловчи ресурстежамкор янги технологияларни кенг жорий этиш, ерларнинг агробиологик хусусиятларини яхшилаш, экинлардан юқори сифатли ҳосил етиштириш, ёқилғи-мойлаш материалларини ва бошқа омилларни тежаш ҳисобига маҳсулот етиштириш таннархини камайтиришга эришилмоқда. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш мақсадида, тупроқ унумдорлигини сақловчи технологиялар дунё бўйича 80 млн. гектардан ортиқ майдонларда, жумладан АҚШда 19,3 млн., Бразилияда 17,4 млн., Ҳиндистонда 14,8 млн., Хитойда 12,3 млн., Мексикада 10 млн., Австралияда 3,5 млн., Покистонда 3,7 млн. гектарда жорий этилмоқда<sup>1</sup>. Жаҳон амалиётида барча суғориладиган ерларда кузги бошоқли дон экинларидан кейин деярли тўлиқ такрорий экинлар экилади.

Дунёда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хомашё, чорвачиликни эса озуқага бўлган талабини қондиришда дала экинларини биологик хусусиятлари, тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда уларни етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш ва уни мунтазам такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кишлоқ хўжалиги экинларидан экологик тоза, мўл ва сифатли маҳсулот етиштириш, кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда такрорий экинларнинг тупроқ унумдорлигини сақловчи экин турларини экиб етиштириш, кўшимча дон ҳосили олиш бўйича тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган кишлок хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш, бошоқли дон экиладиган майдонларда замонавий агротехнологияларни жорий этиш, айниқса ғаллачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган». Экинларни жадал етиштириш орқали ердан унумли фойдаланиш билан бир қаторда тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш, бир йилда икки марта дон ҳосили етиштириш технологиясини такомиллаштириш ва шунга мос экин турларини танлаш ҳамда улардан кейин юқори авлодли уруғлик буғдой етиштириш бўйича илмий-тадқиқотлар долзарб ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2832-сон қарори, 2017 йил 1 июндаги «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экин учун талаб этиладиган моддий техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3027-сон қарори, 2017 йил 15 сентябрдаги

<sup>1</sup> <https://www.embrapa.br>, <https://www.icc.or.>, <http://www.link.springer>, <http://www.indianjournals>, <https://www.usda.gov>, <https://www.dpi.nsw.gov.au/research>

«2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларни оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида»ги ПҚ-3281 сон қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кузги буғдойдан кейин такрорий экинларни экиш, уларни тупроқ унумдорлигига, ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича З.С.Турсунходжаев, Р.Орипов, А.С.Болкунов, А.И.Массино, С.Қодирхонов, Р.Тиллаев, З.Умаров, Х.Н.Атабоева, А.Алимов, Б.Холиқов, Ш.Тешаев, А.Тоштемиров, Ф.Бобоев, С.Шоназаров, И.Сулаймонов, Х.Ахадовлар томонидан бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Лекин, мазкур тадқиқотлар беда:ғўза алмашлаб экиш тизимида бажарилган бўлиб, ҳозирда бу амалиётга жорий этилмаган. Республикада экинларни жадал навбатлаб экиш ғўза:ғалла (1:1), тизими қабул қилинган.

Лекин, бутун дунёда озиқ-овқат танқислиги содир бўлаётган ҳозирги даврда ғўза ва бошоқли дон экинлар майдонини камайтирмаган ҳолда сув таъминоти чегараланган шароитда ёзнинг иккинчи ярми мобайнида мўл ва сифатли соя, мош, тарик ва маккажўхори дони етиштириш, яъни мақбул такрорий экин турларини экиш муддати ва меъёрини тупроқ унумдорлиги ҳамда кейинги экин юқори авлодли уруғлик кузги буғдой нав тозпалиги, ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири ҳозирги ғўза:ғалла жадал навбатлаб экиш тизимида тадқиқотлар олиб борилмаган. Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида навбатлаб экишнинг ғаллачилик звеносини такомиллаштириш, мақбул такрорий экин турларини танлаш, экиш меъёрлари, муддатини аниқлаш, уларни тупроқ унумдорлигини сақлаш, ғаллакор фермер хўжаликларини иқтисодни мустаҳкамлаш ҳамда кузги буғдойдан кейин яна юқори авлодли уруғлик бошоқли дон етиштиришнинг илмий-амалий асосларини яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги:** Диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот режасининг ҚХА-9-079 «Суғориладиган шароитда кузги буғдойнинг селекцияси ва уруғчилигини комплекс асосда тадқиқ этиш» (2009-2011 йй.), ҚХА-8-098 «Экишга тавсия этилган, истиқболли янги кузги юмшоқ ва қаттик буғдой навларининг бирламчи уруғчилик тизимини ташкил этиш ҳамда республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларида уларни кўпайтириш усуллари янада такомиллаштириш» (2012-2014йй.), ҚХА-9-094-2015+ ҚХА-9-095-2015 «Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида кузги бошоқли дон экинлари илмий асосланган бирламчи уруғчилик тизимини ташкил этиш, ишлаб чиқаришга узлуксиз юқори авлодли уруғлик

етказиб бериш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида кузги бошоқли дон экинларидан кейин такрорий экин турларини танлаш, етиштириш ва уларни қайта экилган уруғлик кузги буғдой ҳосилдорлиги ҳамда дон сифатига таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойдан кейин юқори ҳосил берувчи, тупроқ унумдорлигини сақловчи мақбул такрорий экин турларини танлаш;

танланган такрорий экинларни мақбул экиш муддати ва экиш меъёрлари ва муддатини белгилаш;

мақбул такрорий экинларни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорликка таъсирини ўрганиш;

такрорий экинларни анғиз ва илдиз қолдиқлари ва улар таркибидаги озика моддалар миқдорини аниқлаш;

мақбул такрорий экинларни тупроқ унумдорлиги ва унинг агрокимёвий, агрофизик хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

мақбул такрорий экинлардан кейин экилган янги юқори авлодли кузги бошоқли дон экинларининг уруғлик ҳосилдорлигига ва уни сифатига таъсирини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар, мошнинг Дурдона, соянинг Олтин тож, тарикнинг Саратовская 853, маккажўхорининг Қорасув-350 АМВ, кузги буғдойнинг Дурдона навлари олинган.

**Тадқиқот предмети** мақбул такрорий экин тури ва навларини танлаш, экиш меъёри, муддати ва етиштириш, ўсиш, ривожланиш, ҳосилдорлик, илдиз, анғиз (поя) қолдиқлари, тупроқ унумдорлиги, улардан кейин экилган уруғлик буғдой ҳосилдорлиги ва унинг сифат кўрсаткичлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқот ишларида лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини қўйиш, биометрик ўлчаш, фенологик кузатиш, турли таҳлиллар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Методы агрофизических исследований», «Методика исследований с зернобобовыми культурами», «Основные положения определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов НИР, новой техники и изобретения, рационализаторских предложений» каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилган. Тажрибаларда олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А. Доспехов услуби бўйича ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Илк бор янги деҳқончилик тизимида Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида навбатлаб экишнинг ғаллачилик гуруҳи такомиллаштирилган;

мақбул такрорий экинлар танланиб, экиш муддати ва меъёрлари аниқланган;

танланган мақбул такрорий экин турларини етиштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва кузги буғдой ҳосилдорлигини ошириш агротехнологияси ишлаб чиқилган;

кузги буғдойдан кейин уруғлик ғалла етиштиришнинг мақбул агротехнологик имкониятлари яратилган.

**Тадқиқотларнинг амалий натижалари.** Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, кўшимча дон, даромад олиш ва яна кузда экиладиган уруғлик буғдой ҳосилдорлигига зарур шароитларни яратишда мақбул такрорий экин турлари деб, мош, соя, маккажўхори ва тарик экинлари танланган.

Ўсимликларнинг кўчат қалинлиги ортиб бориши билан тупроқда қолаётган илдиз ва анғизлар миқдори ва таркибидаги NPK миқдорлари ҳам ортиб бориши қайд қилинган. Мақбул кўчат қалинлиги ҳамда юқори ҳосилдорлик мошда 100 минг туп/га-13.3 ц/га, сояда 260 минг туп/га-26.9 ц/га, тарикда 2,5 млн/га-29.8 ц/га ва маккажўхорида 80 минг туп/га да -58.1 ц/га олинган.

Мақбул такрорий экинлардан кейин уруғлик кузги буғдой экилганда, назоратга нисбатан маккажўхори экилган вариантда ҳосилдорлик 4,7 ц/га, тарикда 2,5 ц/га, мошда 14,5 ц/га, сояда эса 12,0 ц/га кўшимча дон ҳосили олинган. Бунда такрорий экинлар экилган вариантлар бўйича тупроқда қолган илдиз-анғиз таркибидаги озика моддалар миқдори, тупроқ ҳажм массаси, ғоваклиги ва сув ўтказувчанлиги муҳимлиги аниқланган. Кузги буғдой, ундан кейин мазкур мақбул такрорий экинлар етиштириш ва ундан кейин уруғлик кузги буғдой етиштириш уруғчилик фермер хўжаликларига жорий этилиб, юқори репродукцияли уруғлик етиштириш бўйича Президент қарори бажарилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:** дала ва лаборатория тажрибаларини бажаришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, олинган маълумотларга математик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келганлиги; аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги; математик-статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан ижобий апробациядан ўтказилганлиги билан исботлангани.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Бошоқли дон экинларидан кейин мақбул такрорий экинларни экиш, тупроқ ҳоссаларини яхшилаш ва ундан кейин юқори авлодли янги ва истиқболли уруғлик кузги буғдой навларини етиштириш мумкинлигининг назарий асослари биринчи маротаба Андижон вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароити учун яратилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кузги буғдойдан кейин мақбул такрорий экинларни экиш ҳисобига, улардан сўнг уруғлик бошоқли дон экинларини экиш мумкинлиги ҳамда мош фонидида 14.5 ц/га, соя фонидида 12.0 ц/га, маккажўхори фонидида 4.7 ц/га, тарик фонидида 2.5 ц/га назоратга



нисбатан ҳосилдорлик ортганлиги исботланди ва ишлаб чиқаришга бевосида жорий этиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида мақбул такрорий экин турларини танлаш, кўчат қалинлиги ва экиш муддатларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Кузги буғдой ва такрорий экинларни етиштириш бўйича «Бошоқли дон экинлари навдор уруғлик майдонларида апробация ўтказиш ҳамда расмийлаштириш», «Экишга тавсия этилган кузги буғдой навларинининг тавсифи ҳамда уларни етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиянома» ҳамда «Суғориладиган ерларнинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш бўйича тавсиялар» тавсияномалар ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 10.10.2017 й., 02/20-335-сон маълумотномаси). Мазкур тавсияномалар Андижон вилояти шароитида деҳқон ва фермер хўжаликларида мақбул кузги такрорий экин турларини танлаш ва етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида деҳқон фермер хўжаликларига такрорий экин турларининг мақбул экиш муддати ва меъёрлари Избоскан ва Пахтаобод туманларида жами 210 гектардан ортиқ майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 10.10.2017 й., 02/20-335-сон маълумотномаси). Буннинг натижасида кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган маккажўхорини гектарига 80 минг туп сақланганда рентабеллик даражаси 62,9 фоизни, тариқ экинининг гектарига 2,5 млн. экилганда рентабеллик 42,3 фоизни, мош экини гектарига 100 минг туп экилганда рентабеллик даражаси 39,9 фоизни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили институтнинг ҳамда ЎзҚХИИЧМнинг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари 2 та республика ва 4 та хорижий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий мақола чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертацияни **Тажриба ўтказиш услуби** деб номланган иккинчи бобда бошоқли дон экинларидан кейин тупроқ унумдорлигини сақлаш, иқтисодий самара берадиган экин турларини танлаш, етиштириш ва уларни кейинги уруғлик кузги буғдой, ҳосилдорлиги, хўжалик ва дон сифатига таъсирини ўрганиш мақсадида 2012-2015 йилларда стационар ва 2016-2017 йилларда ишлаб чиқариш шароитларида тажрибалар ўтказилди. Дала тажрибалари Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтининг “Истиклол” тажриба участкасида олиб борилди. Тажрибадаги ҳар бир экин тури бўйича 4 тадан вариант олиниб, умумий делянкалар сони 64 та. Ҳар бир тажриба бўлакчасининг узунлиги 80 м., эни 3,6 м., ҳар бир тажриба бўлакчасининг умумий майдони 288 кв.м.ни ташкил этган. Тажриба тўрт қайтариқда ва икки ярусда жойлаштирилган. Тажрибада ҳар бир экин тури тўрт хил экиш меъёрида, икки хил экиш муддатларида олиб борилди. Жумладан, сояни Олтин тож нави кўчат қалинлиги 180, 220, 260 ва 300 минг туп, мошни Дурдона нави кўчат қалинлиги 60, 80, 100 ва 120 минг туп, маккажўхори дон учун Қорасув 350 АМВ дурагайи кўчат қалинлиги 60, 70, 80 ва 90 минг туп, тарикни Саратовская-853 нави кўчат қалинлиги 1.5, 2.0, 2.5 ва 3.0 млн дона уруғ экилиб, ўрганилди. Дала тажрибаларида ҳар бир тажрибанинг олдида қўйилган мақсадига биноан қуйидаги фенологик кузатувлар ва тегишли ҳисоб-китоблар олиб борилди.

Экинлар тўла униб чиққандан сўнг ва амал даври охирида кўчат қалинлиги, пишиб етилгандан сўнг ҳосилдорлиги соя, мош, маккажўхори экинларида 16,6 п/м.да, тарикда эса 1 м<sup>2</sup>да, ўсимлик бўйи, 1000 дона дон вазни аниқланди. Шунингдек, маккажўхорида барглар сони, битта ўсимликдаги сўталар сони, битта сўтадаги дон вазни, соя ва мош экинларида ҳосил шохлари сони, туп ва дуккаклар сони, битта дуккакдаги донлар сони кўрсаткичлари аниқланди.

Тупроқни агрофизикавий хоссалари тупроқ ҳажм оғирлиги, тупроқ ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги аниқланиб, тупроқ ҳажм оғирлиги такрорий экинлар экиш олдидан ва ўсимликларни амал даври охирида 0-30, 30-50 см. Н.А.Качинский усулида аниқланди. Тупроқни сув ўтказувчанлиги квадрат ром усулида металл цилиндрлар ёрдамида аниқланди.

Тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорни умумий миқдори П.П.Гриценко, И.М.Мальцева, нитратли азот Грандвальд Ляжу,

ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин, алмашинувчан калий миқдори эса П.В.Протасов усуллари билан аниқланди.

Тажрибадаги ҳар бир экиннинг амал даври якунида тажриба бўлакчаларининг 3 жойидан 1м<sup>2</sup> майдондаги илдиз-анғиз қолдиқлари (0-30, 30-50 см) олиниб тадқиқ қилинди. Такрорий экинлар ва кузги буғдой ҳосилдорлиги математик таҳлиллари Б.А.Доспехов (1985) усулида олиб борилди.

Ҳосилни етиштириш учун сарф харажатлар ва олинган соф даромад, иқтисодий кўрсаткичлар 2012-2017 йиллар ўртача баҳоси билан ҳисобланди.

Асосий тажрибани олиб боришдан олдин Андижон вилояти учун мос такрорий экин турларини танлашда 14 экин турлари тадқиқ қилиниб, олинган илмий-тадқиқот натижалари, иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда фермер хўжаликлари хоши-истакларини инобатга олган ҳолда энг мақбул такрорий экин турлари деб мош, соя, тарик ва маккажўхори экинлари танланган.


Диссертациянинг **Танланган мош, соя, тарик, маккажўхорининг экиш муддати ва меъёрларида ўсиши ва ривожланиши** деб номланган учинчи бобида мавзу бўйича ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига тупроқ, иқлим, ўғит, сув каби бир қанча омиллар таъсири ўрганилган.

Тажрибаларда экилган барча такрорий экинларда ҳам кўчат қалинлигини ортиши, ўсимликнинг вегетатив қисмини дастлаб жадал ривожланишига ижобий таъсир қилсада, ҳосил органларига мақбул бўлган таъсири мош экинида 100 минг туп/га, маккажўхорида 80 минг туп/га, тарикда 2,5 млн/га ва сояда 260 минг туп/га бўлган вариантларда кузатилди.

**Мақбул такрорий экин турларини анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳамда таркибидаги озика моддалар миқдори** деб номланган учинчи бобида мавзу бўйича изланишларда барча такрорий экинлар экилган вариантларда амал даври бошига нисбатан амал даври охирида тупроқ унумдорлигини қисман яхшиланиши кузатилди. Албатта бунга ушбу экинларнинг экиш меъёрлари ҳам бевосита таъсир этди.

Чунки, такрорий экин сифатида экилган ҳар бир экиннинг экиш меъёрлари ортиши билан тупроқдаги озика моддалар сарфи ҳам ортиб борган. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, тажриба даласининг дастлабки агрохимёвий таҳлилида тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламидаги гумус миқдори 0,824% ни, озика моддаларнинг ҳаракатчан шаклларида N-NH<sub>4</sub> 3,5 мг/кг, N-NO<sub>3</sub> 7,6 мг/кг, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> 26,3 мг/кг ва K<sub>2</sub>O 216 мг/кг.ни ташкил этган бўлса, тупроқнинг ҳайдов остки (30-50 см) қатламида озика моддалар турига мутаносиб равишда 0,759%; 3,1; 5,2; 9,3 ва 185 мг/кг.ни ташкил этган.

Тажриба ниҳоясида олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, тупроқдаги озика моддаларнинг энг юқори миқдори фақат мош экилган вариантларда кузатилиб, экиш меъёрларининг ортиши билан уларнинг миқдорлари ҳам ортиб борган. Яъни, тажрибанинг мош экилган 1, 2, 3 ва 4 вариантларида тупроқнинг 0-30 см ҳайдов қатламида гумус миқдори тажриба вариантларига мутаносиб равишда 0,848; 0,851; 0,855 ва 0,850%ни ташкил қилган. Бу дастлабки миқдорга нисбатан 0,024-0,031%га ортганлигини билдиради (1-расм).



**1-расм. Тупроқнинг 0-30 см қатламидаги гумус миқдорини ўзгаришига такрорий экинлар таъсири, % (ўртача уч йиллик).**

Маккажўхори экилган вариантларда эса аксинча, маълум миқдорда (гумус 0,006-0,010%;  $P_2O_5$  1,2-1,4 мг/кг,  $K_2O$  3,0-5,0 мг/кг) камайганлиги кузатилди. Биз ушбу ҳолатни маккажўхорининг тупроқдан кўп миқдорда озика моддаларини олиб чиқиб кетиши билан боғлаймиз.

Такрорий экинлар, албатта уларнинг кўчат қалинлиги билан бевосита боғлиқ ҳолда тупроқ унумдорлигига турлича таъсир қилади. Бунда тупроқ унумдорлигини оширишда тадқиқ қилинган экинларни самараси бўйича қуйидаги кетма-кетликда жойлаштириш мумкин: мош, соя, тариқ ва маккажўхори.

**Такрорий экинларни илдиз-анғиз қолдиқлари.** Ҳар бир экиндан сўнг тупроқ қатламларида ҳар хил миқдорда илдиз-анғиз қолдиқлари қолади. Ушбу қолган илдиз-анғиз қолдиқлари маълум вақт ичида микроорганизмлар таъсирида озика моддаларнинг турли шаклларига айланади ва тупроқ унумдорлигини сақланишига ёки ортишига ўз таъсирини кўрсатади. Тупроқда қолаётган илдиз-анғиз миқдорлари нафақат экинларнинг турларига, балки уларнинг экиш меъёрларига ҳам узвий равишда боғлиқ. (Тиллаев 1994, Халиков 2007; Хакимов, 2007). Тадқиқотларимиз натижаларнинг кўрсатишича, барча экинларда ҳам экиш меъёрини ортиб бориши, тупроқнинг 0-50 см қатламида қоладиган илдиз-анғиз миқдорларини ҳам ортиб боришига ўз таъсирини кўрсатсада, лекин экин турлари фаолияти

даражаси ҳам тупроқда қолаётган илдиз-анғиз қолдиқлари миқдорларига бевосита боғлиқ эканлигини яна бир бор тасдиқланган.

Кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида гектарига маккажўхорининг 90 минг туп, тариқнинг 3,0 млн, соянинг 260 минг ва мошнинг 120 минг туп кўчат қалинлигида сақланиши натижасида тупроқнинг 0-50 см қатламида энг кўп илдиз ва анғиз қолдиқлари тўпланиши аниқланган.

Шунинг учун ҳам юқорида таъкидлаб ўтилган экинларнинг, яъни гектарига мошни 100 минг туп 1,55 т/га, маккажўхорини 80 минг туп 4,42 т/га, тариқни 2,5 млн. 3,71 т/га ва соя 260 минг туп кўчат қалинлигида парвариш қилинганда 2,80 т/га илдиз-анғиз қолганлиги қайд этилган. Таъкидлаш лозимки, экинларни жадал навбатлаб экиш тизимида макбул кўчат қалинликлари нафақат тупроқдаги озика моддалар миқдорларини ортишига, балки кейинги экинлар ҳосилдорлигини ҳам ортишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши исботланган.

**Такрорий экинларнинг илдиз-анғиз қолдиқлари таркибидаги озика моддалар миқдори.** Тажрибадаги мош экини кўчат қалинликларининг ортиб бориши билан тупроқда қолаётган илдиз ва анғиз таркибидаги NPK миқдорлари ҳам ортиб борган. Бунда уларнинг энг макбул нисбатлари кўчат қалинлиги гектарига 100 минг туп сақланган 3-вариантда бўлиб, илдиз таркибида N-1,483%, P-0,945% ва K-1,172% ни ташкил этган бўлса, анғиз таркибида ушбу кўрсаткичлар NPK моддаларига мутаносиб равишда 1,285; 0,365 ва 1,723% бўлган. Кўчат қалинлиги гектарига 120 минг туп сақланган 4-вариантда ҳам 3-вариантга яқин, яъни илдиз таркибида N-1,472%, P-0,943% ва K-1,155% ни, анғиз таркибида N-1,285; P-0,365 ва K-1,723% ни ташкил этгани ҳолда, энг кам кўрсаткичлар кўчат қалинлиги гектарига 60 ва 80 минг туп сақланган 1 ва 2-вариантларда қайд этилди.


Соянинг кўчат қалинлиги гектарига 260 минг туп сақланган 15-вариантда қолаётган илдиз ва анғиз таркибларида NPK нинг энг юқори миқдорлари илдиз таркибида (N-1,284; P-0,416; K-0,616%) ва анғиз таркибида (N-0,484; P-0,233; K-0,785%) бўлса, энг кам миқдорлари тажрибанинг кўчат қалинлиги 180 минг/га бўлган 13-вариантда (илдиз таркибида N -1,226; P- 0,334; K-0,583%, анғиз таркибида N -0,449; P- 0,206; K-0,744%) кузатилган.

Изланишларнинг барча йилларида ҳам тариқ экинидан қолаётган илдиз ва анғиз массасининг кўплиги жиҳатидан маккажўхоридан кейинги ўринда туришини олинган маълумотлар тасдиқлаган.


Лекин, маккажўхори экилган вариантларда олинган маълумотлар бироз бошқачалиги билан ажралиб турган. Жумладан, маккажўхорининг кўчат қалинлиги гектарига 80 минг туп сақланган 7-вариантда қолаётган илдиз ва анғиз таркиблари тахлил қилинганда NPK нинг энг юқори миқдорлари ушбу вариантда кузатилган. Яъни, уларнинг илдиз таркибида N-0,55; P-0,26; K-0,36 фоизни ташкил этган бўлса, анғиз таркибида эса N-0,25; P-0,16; K-0,15 фоиз бўлган. Кўчат қалинлиги гектарига 60 минг туп сақланганда энг кам миқдорлар қайд этилган.

Умуман олганда, кузги буғдойдан кейин мақбул такрорий экин сифатида мош, соя, тариқ ва маккажўхори экинларини экиш, тупроққа органик қолдик кўринишида қайтарилиши, уларни унумдорлигини тикланишига хизмат қилиши яна бир бор ўз тасдиғини топган.

**Тупроқ ҳажм массаси.** Изланишларда мақбул такрорий экинларни экиш меъёрларининг тупроқ ҳажм массаси ва унумдорлигига таъсири бир хил эмаслиги қайд этилган. Уч йилда ўртача кузги буғдойдан кейин тупроқнинг 0-30 см қатламидаги ҳажм массаси 1,422 г/см<sup>3</sup> ни, 30-50 см қатламда 1,483 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этиб, такрорий экин экилган барча вариантларда тупроқнинг ҳар икки қатламида ҳам ҳажм массаси сезиларли даражада яхшиланиши кузатилган (2-3 расмлар). Соя экинининг амал даври охирида тупроқнинг 0-30 см қатламидаги ҳажм массаси экиш меъёри 180 минг туп бўлган 13-вариантда 1,381 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, экиш меъёрлари 220, 260 ва 300 минг туп бўлган 14-15 ва 16 вариантларда ушбу кўрсаткич 1,379; 1,375 ва 1,376 г/см<sup>3</sup> бўлганлиги кузатилган. Тупроқнинг 30-50 см қатламида ҳам шундай ҳолат кузатилиб, тажрибанинг (13, 14, 15 ва 16) вариантларига мутаносиб равишда 1,437; 1,435; 1,432 ва 1,433 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган.



**2 расм. Такрорий экинлар амал даври охирида 0-30 см.ли қатламдаги тупроқ ҳажм массасига таъсири, г/см<sup>3</sup> (уч йиллик ўртача)**



### 3 расм. Такрорий экинлар амал даври охирида 30-50 см қатламдаги тупроқ ҳажм массаси, г/см<sup>3</sup> (уч йиллик ўртача)

Тупроқниң ҳажм массасига ижобий таъсир кўрсатадиган экин сифатида соядан кейин мош экини эканлиги олинган маълумотлардан тасдиқланган. Лекин, ушбу экинда ҳам сояда кузатилган қонуният такрорланиб, экиш меъёрлариниң ортиши тупроқниң ҳайдов ва ҳайдов остки қатламида ҳам тупроқниң ҳажм массасига ўз ижобий таъсирини кўрсатган. Тариқ экинини экиш меъёрлари ичида гектарига 3,0 млн экилган 12- вариантда тупроқниң 0-30 см қатламидаги ҳажм массаси бошқа экиш меъёрларига нисбатан мақбул бўлганлиги исботланган.

Маккажўхорида бошқа экинларга нисбатан тупроқниң ҳажм массаси бироз зичлашганлиги кузатилиб, экиш меъёрлариниң ортиши билан тупроқниң 0-30 см қатламидаги ҳажм массаси енгиллашиши кузатилган. Тажрибаниң барча йилларида тупроқ ҳажм массасиниң энг мақбул кўрсаткичлари ўртача сояда экиш меъёри гектарига 180 минг туп, мошда 120 минг туп, тариқда 2,5 млн. туп ва маккажўхорида 80 минг туп бўлган вариантларда кузатилиб, бу тупроқниң барча омилларига ўзиниң бироз бўлсада ижобий таъсирини кўрсатганлиги аниқланган.

**Тупроқниң ғоваклиги.** Ўртача уч йиллик маълумотлар шуни тасдиқладики, тажриба кўйишдан олдин тупроқниң 0-30 см қатламидаги ғоваклик 47,3% бўлган бўлса, тупроқниң 30-50 см қатламида ушбу кўрсаткич 45,0% ни ташкил этган. Тажриба ниҳоясида эса барча экинларда ҳам бир хил қонуният, яъни экинниң кўчат қалинлигини ортиши, тупроқниң ғоваклик хусусиятини яхшиланишига боғлиқ эканлиги кузатилган. Жумладан, мош экилган 1, 2, 3 ва 4 вариантларни таҳлил қиладиган бўлсак, тупроқниң 0-30 см қатламида ғоваклик кўчат қалинлиги 60 минг туп бўлган 1 вариантда 48,7% ни, 80 ва 100 минг туп кўчат

калинлиги сақланган 2 ва 3 вариантларда 48,8% ни, 120 минг туп кўчат қалинлиги сақланган 4 вариантда эса 48,9% ни ташкил этган бўлса, тупроқнинг 30-50 см қатламида эса ушбу кўрсаткич 46,6-47,7% оралиғида бўлиб, вариантлар орасида кескин фарқ кузатилмаган.

Изланишлар олиб борилган барча йилларда ҳам бир-бирига яқин маълумотлар олиниб, тупроқ ғоваклигининг энг мақбул кўрсаткичлари сояда экиш меъёри 180 минг туп, мошда 120 минг туп, тариқда 2,5 млн туп ва маккажўхорида 80 минг туп бўлган вариантларда кузатилган.

**Мақбул такрорий экин турларининг ҳосилдорлиги.** Изланишлардан олинган уч йиллик маълумотларнинг ўртача натижалари шуни кўрсатадики, барча экинларда ҳам уларнинг ҳосилдорлигига кўчат қалинлиги бевосита ўз таъсирини кўрсатган. Яъни, мош экининг ўрганиланган тўрт хил кўчат қалинлигининг энг мақбул варианты гектарига 100 минг туп сақланганда кузатилиб, дон ҳосилдорлиги гектарига 13,3 центнерни ташкил этган. Кўчат қалинлигининг ортиб бориши ҳосилдорликни ортишига ижобий таъсир кўрсатсада, лекин кўчат қалинлиги 120 минг туп бўлган вариантда мош ҳосили камайиб, 12,7 ц/га ни ташкил этган.

Маккажўхори экилган вариантларда ҳам дон ҳосили турлича бўлиб, энг кам кўрсаткич кўчат қалинлиги гектарига 60 минг туп бўлган 5 вариантда 53,6 ц/га ни ташкил этган бўлса, энг юқори дон ҳосили кўчат қалинлиги гектарига 80 минг туп бўлган 7 вариантда 58,1 ц/га, яъни 5 вариантга нисбатан қўшимча 4,5 ц/га кўп дон ҳосили олинган.

Тариқ экилган вариантларда ҳам кўчат қалинлиги дон ҳосилига ўз таъсирини кўрсатиб, энг кам ҳосил кўчат қалинлиги гектарига 1,5 млн бўлган 9 вариантда (22,8 ц/га) олинган бўлса, энг юқори ҳосилдорлик эса кўчат қалинлиги гектарига 2,5 млн бўлган 11 вариантда (29,8 ц/га) қайд этилган.

Соя экилган вариантларда дон ҳосили гектарига 23,1-27,5 центнер оралиғида бўлиб, қайд қилинган энг юқори дон ҳосили (27,5 ц/га) кўчат қалинлиги гектарига 260 минг туп бўлган вариантда кузатилган бўлса, энг кам дон ҳосили (23,1 ц/га) кўчат қалинлиги гектарига 180 минг туп бўлган вариантда, яъни 3,8 ц/га кам бўлганлигини олинган маълумотлар тасдиқлаган.

Демак, барча экинларда ҳам ҳосилдорликнинг ортишига кўчат қалинлиги ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини кўрсатар экан. Ҳар бир экинга сарфланадиган озика моддалар, агротехник тадбирлар ва бошқа омиллар мақбул кўчат қалинлигида ижобий таъсир этиб, ортиқча кўчатлар сони белгиланган кўчатларга сарфланадиган жараёнлардан фойдаланади. Бу эса экинларнинг мақбул ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигига ўзининг таъсирини кўрсатади. Жадал навбатлаб экиш тизимида кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган мошнинг кўчат қалинлиги гектарига 100 минг туп, маккажўхорининг 80 минг туп, тариқнинг 2,5 млн. туп ва соянинг 260 минг туп бўлиши экинлардан юқори ҳосил олишни таъминлаган, яъни ушбу кўчатлар сонини энг мақбуллиги қайд этилган.

**Такрорий экинлардан кейин экилган кузги буғдойнинг униб чиқиши, кўчат сони, тупланиши, ўсиши, ривожланиш фазаларининг**



**биометрик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги.** Ҳосилдорликни пасайиб кетишининг асосий сабабларидан бири, узлуксиз буғдой экилиши натижасида тупроқни турли замбуруғлар, айрим ҳашаротлар ҳамда бегона ўтлар уруғи билан ифлосланишидир. Тадқиқотларда кузги буғдойдан кейин экилган макбул такрорий экинлар ҳосилини йиғиштириб олингандан кейин ўрнига, янги ва истиқболли кузги буғдой навларини экиб, уларнинг ҳосилдорлигига такрорий экин турларини таъсири ўрганилган. Стационар тадқиқотлар республика ҳудудларида экишга тавсия этилган янги кузги буғдойнинг ўртапишар Дурдона навида ишлаб чиқариш тажрибаларда эса Краснодар навларида ҳам олиб борилган.

Экилган уруғлик кузги буғдой фенологик кузатувлари натижалари шуни кўрсатдики, ўсимлик ўсув даврининг давомийлиги вариантлар бўйича ўтмишдош экинларни тупроқ агрофикавий ва агрокимёвий хоссаларига боғлиқлиги, яъни тупроқ ҳажм массаси, ғоваклиги, сув ўтказувчанлигига таъсири асосида биринчи навбатда ўсимлик илдиз тизимини яхши ривожланиши, керакли озиқа моддаларни ўзлаштириши ва ўсимликни ўсиб ривожланиш фазаларига ҳам ўзнинг ижобий таъсирини кўрсатган.

Тажрибада буғдой ўрнига буғдой экилган назорат вариантга нисбатан барча вариантларнинг биометрик кўрсаткичларида ижобий ўсиш тенденцияси кузатилди. Жумладан, ғалла ўрим-йиғими олдидан 1 м<sup>2</sup> даги бошоқ сони ҳисоб-китоб қилинганда, энг юқори кўчат қалинлиги мош ва соя ўсимликлари ўрнига экилган вариантларда ва кўрсаткич барча биометрик кўрсаткичларга ижобий таъсир этганлиги кузатилган. Назорат вариантга нисбатан маккажўхори экилган вариантда ўсимлик бўйи 3.8 см., тарик экилган вариантда 3.4 см., мош ва соя экилган вариантлар 8.3 см.га фарқ қилган. Шундай қонуният бошоқ узунлиги, битта бошоқдаги бошоқчалар сони, битта бошоқдаги дон сони ва 1000 дон дон вазни таҳлил қилинганда ҳам ўзнинг ижобий аксини топган.

